



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2010 йил 15 июнь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 115 (11.676)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Тошкент шаҳри, 2010 йил 11 июнь)

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Хурматли саммит қатнашчилари!

2001 йилда тузилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихан қисқа вақтда замонавий геосиёсатнинг нуфузли халқаро тузилмасига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

ШҲТни ривожлантиришда Ташкилот доирасида кузатувчилар ҳамда мулоқот бўйича шериклар институти жорий қилинган принциплар муҳим аҳамиятга эга бўлди. АСЕАН, МДХ билан ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинган, шунингдек, 2010 йил апрель ойида БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг Тошкентга ташрифи асосида ШҲТ ва БМТ қотибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланган ШҲТни ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди.

Ишончим комилки, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ШҲТ олдида турган вазифаларни бажариш ва БМТ доирасида ШҲТга аъзо давлатлар манфаатларини биргаликда илгари суриш учун БМТ минбаридан янада фаол фойдаланиш имконини беради.

Бугунги саммит чоғида Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлашимиз керак. Шу тариқа ШҲТ ўз тараққиёти йўлида навбатдаги муҳим қадамни ташлайди – тенг ҳуқуқли янги аъзолар ҳисобига Ташкилотни кенгайтиришга, жаҳон миқёсидаги глобаллашув шароитида ШҲТнинг манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга йўл очилади.

Низомнинг тасдиқланиши ШҲТга аъзо давлатлар таркиби ўз-ўзидан унда кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар ҳисобидан кенгайтирилади, дегани эмас, албатта.

Низомнинг қабул қилиниши билан ШҲТга аъзо давлатлар қаторига кириш учун фақат ҳуқуқий асос яратилади.

Ишончим комилки, ШҲТни янада изчил ривожлантиришни, унинг фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни таъминлашда бугунги саммит чоғида Ташкилотимизнинг процедура қоидаларини тасдиқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжат ШҲТ ва унинг органлари тизимли фаолият юритишини, ШҲТда қабул қилинадиган ҳужжатлар ва қарорлар сифат жиҳатдан юқсак даражада тайёрланиши ва ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Умуман айтганда, ШҲТни ривожлантириш борасидаги ишларнинг изчилиги танқидий баҳоладиган бўлса, тўла асос билан айтиш мумкинки, ШҲТни ривожлантириш ва халқаро майдондаги нуфузини юқсалтириш бўйича, Ташкилотнинг бош мақсадлари – тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга, ШҲТ давлатларининг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга, гуманитар ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтиришга эришиш йўлида Ташкилотнинг роли ва имкониятларини ошириш борасида чуқур ўйланган, қатъий ва аниқ мақсадларга йўналтирилган жараён давом этмоқда.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Этиборингизни яна бир масала – Афғонистон муаммосига қаратмоқчиман. Афғонистон муаммоси ШҲТнинг деярли барча мажлисларида муҳокама этиб келинаётган муҳим масалалардан бири бўлиб, бугун ҳам бу мавзу диққат-этиборимизда турибди.

30 йилдан буён уруш давом этаётган Афғонистондаги муаммоларни ҳал қилмай туриб, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик ҳақида гапириш мумкин эмас, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўйлайманки, бу залда ҳозир бўлганларга Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича – «б+3» тинчликпарвар гуруҳини шакллантириш ташаббуси деб ном олган – таклифларнинг мазмунини яхши маълум. Ушбу таклифларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Биринчидан. Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Биз бу масалани НАТО/СЕАПнинг 2008 йил апрель ойида Бухарест шаҳрида бўлган саммитида ва бошқа халқаро форумларда кўтарган бўлсак, бугун афғон муаммосини ечишга дахлдор деярли барча мамлакатлар раҳбарлари бу ҳақда гапирмоқда.

Иккинчидан. Афғонистон муаммоларини ҳал этишда ва у ерда барқарорликни таъминлашда биринчи навбатда жафокаш афғон халқига мақсадли иқтисодий ёрдам кўрсатишга, мамлакатнинг транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини барпо этиш ва шакллантиришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, қашшоқликка қарши курашиш билан боғлиқ ўткир муаммоларни ечишга устувор аҳамият берилиши керак.

Учинчидан. Афғонистоннинг тарихий, этник ва демографик хусусиятларини, ушбу мамлакатнинг кўп миллатли ва кўп конфессияли халқи амал қиладиган қадимий урф-одатларини, ислом динининг аънаваний қадриятларини инобатга олиш ва ҳурмат қилиш зарур.

Тўртинчидан. Муроса жараёнига Афғонистон аҳолиси ва истисносиз барча қарама-қарши кучлар, этник ва диний гуруҳлар жалб қилинмаса, улар ўртасида консенсусга эришилмаса, Афғонистонда уруш ҳали узок давом этиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги 11 та мактабда «Ёзги таътил — 2010» лойиҳа доирасида ўтказиладиган спорт мусобақаларига старт берилди.

✓ **202-МАКТАБ** қошида ташкил этилган ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида фарзандларимизнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш мақсадида 20 дан ортиқ тўгарак очилди.

✓ **КЎЗИ** ожизлар жамияти шаҳар бўлими корхона ва ташкилотлари ходимлари фарзандлари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Баркамол авлод йилида бағишланди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** жанг санъати марказида пойтахтимизда яқинда универсал жанг бўйича ўтказилган Осиё чемпионати якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Иқтисодиёт

ЯНГИ ТУРЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Мамлакатимизда йилдан йилга хорижий сармоа иштирокидаги корхоналар сони ортиб бораётганига авваломбор бундай фаолият учун яратилган барча қўлай шарт-шароитлар, имкониятлар ва зарур ҳуқуқий ҳимоя мавжудлиги асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳими яна шундаки, жаҳон андозаларига мос маҳаллий маҳсулот турлари ички бозорда кўпайиб, экспорт ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Буни масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Belting ReZina» хорижий корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур корхона италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил топган

бўлиб, ўз олдига бозорни ўрганиш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни мақсад қилган. Бугунги сазй-ҳаракатлар эса ана шу мақсадга яраша олиб борилмоқда.

Корхонада энг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрланаётган турли ўлчамдаги конвейер ленталари,

ясси узатма қайишлар, тангелциал ва урчққ тасмаларидан энгил, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатида, матбаачилик, ёғочни қайта ишлаш, машинасозлик, фармацевтика каби соҳаларда кенг қўлланилади. Демак, корхона маҳсулотлари четдан келтириладиган шундай товарлар билан бемалол рақобатлаша олади.

(Давоми 2-бетда).

Фармон ва ижро

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил, кенг қўламли ислоҳотлар натижасида тиббиётнинг барча йўналишлари қатори кардиожарроҳлик ҳам жадал тараққий этмоқда.

Кардиожарроҳлик соҳасида илмий тадқиқотлар ва халқаро ҳамкорлик қўламини кенгайтириш юрак хасталикларига ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилаётди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида амалга оширилаётган илмий-амалий ишлар бунинг далилидир.

Жаҳондаги нуфузли илм-фан марказлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган маз-

кур даргоҳ ходимлари туғма ва орттирилган юрак хасталикларини даволашда катта тажрибага эга. Ушбу шифо масканида ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи клиникалари мутахассислари билан ҳамкорликда қўшма жарроҳлик муолажаларини ўтказиш, илм-фан ва амалиётда орттирилган тажрибани ўзаро омаллаштириш аънамага айланган. Ана шундай ҳамкорлик доирасида юртимизга еттинчи марта ташриф буюрган Италиянинг бирлашган Бергам клиникаси мутахассислари билан ҳамкорликда қарийб йигирма нафар беморга замонавий усулда тиббий ёрдам кўрсатилди. Наманганлик Моҳира Аҳмедова кардиожарроҳлик соҳасида жаҳон тиббиётида қўлланилаётган илғор технология – пластик реконструктив усулда операция қилинди.

(Давоми 2-бетда).

XXI сadosи

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида тупроқ унумдорлигини тиклаш ва яхшилашда индигофера ўсимлигининг аҳамияти ҳамда табиий бўёқлар биотехнологиясига бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

• Оролбўйи миришкорлари жорий йилда етиштирилган галла ҳосилини йиғиштириб олишга пухта ҳозирлик кўрди. Эллик уч минг гектар майдонда галла етиштирган қорақалпоғистонлик деҳқонлар ўрим-йиғим мавсумини қизғин бошлаб юборди. Бу ишга Эллиққалъа, Тўрткўл, Беруний, Қанликўл, Шуманай ва Кегейли туманлари галлакорлари биринчилардан бўлиб киришди.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан пойтахтимизда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари иштирокида «Ҳуқуқий етуқлик – баркамоллик омили» мавзусида ташкил этилган учрашувда шу ҳақда гап борди. Тадбирда ёшларнинг ҳуқуқи билан бир қаторда амал қилиш зарур бўлган бурч ва масъулияти ҳақида ҳам сўз юритилди. Туриш зарарли одатлар, жумладан гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби иллатлардан доимо огоҳ бўлиш, бунда эътибор қаратиш зарур жиҳатлар ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилди.

• Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази «UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси касаба уюшмалари кўмитаси томонидан М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетини Тошкент филиали талабалари билан ҳамкорликда «Болаларга табассум бахш этинг» мавзусида тадбир ўтказилди.

• Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Германиянинг «Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликка қўмақлашиш» техник ҳамкорлик дастури ва БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни бошқариш «Кайдзэн» («Тежамкор ишлаб чиқариш») тизими бўйича бизнес-маслаҳатчилар тайёрлашга киришди. «Deutsche Kabel AG Tashkent» акциядорлик жамияти корхонаси негизида трениннинг якуновчи босқичи бўлиб ўтди ва унда тизимни амалиётга жорий этиш якунлари кўриб чиқилди.

ЖАҲОНДА

• Польшада президент сайлови кампанияси давом этмоқда. Ушбу жараён 18 июнь тунда тўхтади ва 19 июнь «сокин кун» сифатида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмайдди. 20 июнь эрта тонгдан эса овоз бериш жараёнилари бошланади.

• Сайлов ишлари бўйича Бразилия олий суди мамлакат президенти Луис Инасио Лула де Силвага нисбатан 7,5 минг реал (4 минг доллар) миқдорида жарима жазоси қўллади.

• Италия сенати биринчи ўқишда ҳукумат томонидан тақдим этилган полициянинг коррупцияга оид ишларни кўриб чиқишда телефон мулоқотларини эшитиб бориш ҳуқуқини чеклаш ҳамда журналистларнинг суд қароридан аввал бу ҳақдаги маълумотларни тарқатиш масъулиятини белгилловчи қонун лойиҳасини маъқуллади.

• Испаниянинг шимолий ҳудудида сел ёмғири давом этмоқда. Шаҳарлар кўчалари ҳақиқий дарёга айланган.

• Иқтисодий инқироз НАТОни ҳам четлаб ўтмади. Вазият маблағларни мудофаа имкониятларига таъсир этмаган ҳолда иқтисод қилишни талаб этмоқда. Бу ҳақда НАТОга аъзо мамлакатларнинг мудофаа вазирлари учрашувда ташкилот бош қотиби А.Красмуссен гапириб ўтди. НАТОнинг 2010 йилдаги бюджет дефицити 500 миллион еврога ташкил этади.



**МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ**
ҲИКМАТЛАР

Такдирдан зорланма,
бағрингни юмшат,
Ҳар хил ташвишлардан
дилингни бўшат!

Оқил эркак учун ярашмас ғусса,
Кўрарсан нимаики
ёзилган бўлса.

Биздан йўлларини яширар дунё,
Дардини берару бермас у даво.

Сув оқиб ўтса гар жарликдан
якбор,
Донишманд у ерда мизгимас
зинҳор.

Агар ёш бўлса-да, доно
ва машҳур,
Тажибасиз бўлса,
у доғда қолур.

Синамоқ керакдир яхши-ёмонни,
Аччиқ-чучукни-ю
қиммат-арзонни.

Киши агар йўлда қазса
чуқур чоҳ,
Ўзини у чоҳда кўради ногоҳ.

Мардларга дуч келар турли
имтиҳон,
Гоҳи базми жамшид, гоҳи
жанг-майдон.

Хушёрликни кўлдан бой
берган инсон
Фалокатга дучор бўлади осон.

Воқеа юз бергач, сўзга жой
қолмас.
Эшитган-кўрганга
баробар бўлмас.

Кажрафтор фалакнинг иши
шу янглиғ,
Сен кенглик сўрасанг,
келади танглик.

Дили жангни қанча
истаса-да шер,
Панжаси бўлмаса, ҳоли
нимадир?

Агар ҳирс зўр келса
ақлдан, ишон,
Ҳеч ким топмас унинг
ўтидан омон.

Кимки, ўз ақлини бир
бор йўқотар,
Ўз қилмишларидан у
азоб тортар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Хунар — хунардан унар
ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИН

Ўзбек қизлари ҳаё, ибo, назокати билан ажралиб туради десак, адашмаймиз. Маълумки, оилада фарзандлар тарбиясида ота-оналар аввало қиз болага алоҳида эътибор қаратади. Қиз бола бўлғуси она, оила бекаси, албатта. Мустақил ҳаётга қадам қўйиб, турмушга чиққан қиз янги оилада аввало ўзининг одоб-ахлоқи, саранжом-саришталиги, пазандаллиги билан кўзга ташланади. Бундай келинларни қайнота-қайноналар миннатдорлик билан «Яшанг, баракалла, отангизга раҳмат», «Кўлингиз дард кўрмасин», «Барака топинг», «Бахтли бўлинг», дея дуо қилади.

бўён қанчадан қанча қизларга турли хил касб-хунар сирларини ўргатиб келатган ўқув маскани фаолияти ҳам бу борада алоҳида ўрин тутди. Бу ерда асосан бичиш-тикиш курслари бўлиб, қизлар уч-тўрт йил жаҳон тан олган технологиялар асосида тахсил олади. Шу вақт ичида тикувчилик сирларини тўлиқ ўзлаштиради. Бундан ташқари, ойлик курслари ҳам ташкил қилинган.

— Бугунги кунда ўқув курсида икки мингдан ортиқ қиз хунар эгалламоқда, — дейди курс мудири Лобар Аюбова. — Бу йил 400 га яқин ўқувчи би-

имларини тикишни ўрганади. Курсларимизда шахримиз ва пойтахт вилояти ёшлари хунар олиши мумкин. Ўқиш жараёни август ойида бошланади. Битирувчилар дизайнер-модельер мутахассислигига эга бўлади.

Бу ерда кўп йиллик тажрибага эга 15 нафар ўқитувчи қизларга сабоқ беради. Т.Дравских, И.Коденко, М.Каримова, М.Зулархўжаева, А.Зайниддинова, Н.Ахорова, Ф.Зохидова, З.Носирова, С.Раҳимова, Ф.Худойбердиев сингари малакали ўқитувчилардан ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам

чексиз миннатдор бўлмоқда. Шуни айтиш керак, ҳар йили баҳор фаслида қизлар томонидан тайёрланган қийимлар намойиши ўтказилади. Устозлари томонидан муносиб баҳо олганларга махсус совринлар топширилади.

— Мен ёшлимдан тикувчи бўлишни орзу қилардим, — дейди битирувчи Фотима Қосимова. — Шу боис бу ерга ўқишга кирдим. Уч йил мобайнида меҳрибон устозлардан оддий чокдан тортиб, ҳамма турдаги қийимларни тикишни ўргандим. Бундан ташқари, машинасозлик, газлашмасунослик, педагогика, тўқиш, расм чизиш каби қўшимча ихтисосларни ҳам ўзлаштирдим. Ҳозирги кунда ўзим мустақил либослар тикаяпман. Шуни ҳам айтмоқчиманки, ўқув курсида қизларни турмушга тайёрлаш мақсадида кўплаб хунардор ўргатилмоқда. Икки йил аввал пазандачилик, миллий таомлар машғулоти жорий этилди. Бу хунардор келгусида бизга ниҳоятда зарур бўлади.

Хунари, эгли, чақон, пазанда қизларимиз келгусида катта оиланинг бахтли бекаси бўлишига шубҳа йўқ.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: ўқув курси фаолиятдан лавҳалар.
Козим Ўлмасов олган суратлар

Маънавият

ЭРТАКЛАРДА
ЭЪЗОЗЛАНГАН ЭЗГУЛИК

Болаликнинг дилкаш кунлари, ёруғ ҳаёлларга туташ кунлари эртақлар билан гўзалдир. Эртақлар оламида сайр қилган ҳар бир болакай орзу қилишни ўрганади, яхшилик қилишга интилади, жаҳолдан қочиб, эзгуликка талпинади. Орзулар кучида яшаб, умидлар гулшанида улғаяди. Шунинг учун ҳам болалик беғубор ва беэордир.

Куни кеча Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида «Жониворлар ҳақида эртақлар» туркум китобчалари асосида яратилган электрон эртақлар жамланмасининг тақдими бўлиб ўтди.

— Болаларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, табиатга ва жониворларга меҳр-эътибор руҳида тарбиялашда китоб, шу жумладан замонага монанд яратилган электрон адабиётлар ҳам муҳим ўрин тутди, — дейди «Китоб дунёси» газетаси муҳаррири Нилуфар Жумаева. — «Жониворлар ҳақида эртақлар» аудио-жамланмасидан ўрин олган «Уч оғайни», «Типраткан ва кўён», «Кўзгуча», «Чумолича ва кабулар», «Филча Яша» каби ўзбек тилидаги эртақлар фарзандларимизда поклик, жасурилик, аҳиллик ва каби фаилатларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Қолаверса, эртақ эшитиб, улғайган мурғак қалб яқинларига, дўстларига ва атрофдагиларга меҳрибон бўлади. Унинг онгида самимийлик, саховат, оқибат туйғуларни яхши шаклланади. Бундай руҳда ўсган боланинг кўлидан эса ёмонлик келмайди. Аудиоэртақ жамланмасидан мактабгача таълим муассасаларидаги маърифий машғулотларда, шунингдек бошланғич синфларда «Одобнома» дарсларида фойдаланиш мумкин. Умид қиламизки, эртақ китобчалари ичида биринчи марта овозлаштирилган бу дисклар ҳар бир ўзбек хонадонни болажонларнинг қувончига қувонч қўшади. Эртақдаги воқеаларнинг турли бўёқларда чиройли тасвирланиши эса кичкинтой китобхонларни ҳайвонот олами ва улларни ўраб турган табиатнинг мўъжизакор дунёсига олиб киради.

Ҳа, бола дунёни кўриш ва эшитиш орқали англайди. Эртақларнинг тинглаш ва китобларни ўқиш эса унинг дунёқарашини кенгайтириб, фикрлаш доирасини ўсиб боришига хизмат қилади. Ана шуларни инобатга олган ҳолда яратилган аудиоэртақ келажак авлод учун муҳим омилдир. Чунки эртақ қаҳрамонларининг одамлар сингари сўзлаш болаларда ахлоқий фазилатларни тарбиялаб, табиатни асраб-авайлашга ундайди. Узаро муносабатларда ҳозиржавобликни ҳам ўргатади, меҳрибонлик, сажийлик хислатларини пайдо қилади. Ҳар бир яратилган янглик ортида ёш авлоднинг порлоқ ва исикболли келажаги нур сочиб, зиё таратиб тургандай бўлаверади.

Тақдирот маросимида болалар шоир ва ёзувчилар, таълим муассасалари вакиллари, ўқитувчилар ва ота-оналар иштирок этишди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Жаҳон чемпиони-2010

Ниҳоят миллионлаб футбол мухлислари орқиқиб кутан кунлар келди.

Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳридаги «Соккер Сити» стадионида футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларидаги дастур берилди.

Шуниси қувонарлики, жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларини «А» гуруҳида иштирок этаётган Жанубий Африка Республикаси — Мексика терма жамоалари ўзбекистонлик ҳакам Равшан Эрматовнинг хуштаги остида бошлаб берди.

Албатта, жамоалар учрашуви эҳтиёткорлик ва бир-бирини синаш билан бошлади. Аммо тўп билан муомала қилишда, рақиб дарвозаси томон чиройли комбинациялар, ҳужумлар уюштиришда мексикаликлар бироз устунлик қилди. Ҳатто иккинчи бўлим бошларида мексикалик чарм тўп устали мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга ола билди. Бироқ Равшан Эрматов томонидан ушбу гол инобатга олинмади. Чунки ўйиндан ташқари ҳолат юз берган эди. Буни Равшан ўз вақтида пайқаб қолди. Барибир 55-дақиқада мексикалик Шабалала жамоадолари бошланган комбинацияни самарали тарзда икхосига етказди — 1:0. Аммо мезбонлар ҳам қарши ҳужумда яхши ҳаракат қилганини таъкидлаш жоиз. Бунинг натижаси ўлароқ Рафазел Маркос меҳмонлар дарвозасини аниқ ишол этиб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Ушбу гуруҳнинг Уругвай — Франция терма жамоалари ўртасида уюштирилган иккинчи баҳсда томонлар дарвозалар томон бир неча марта

ҳужум уюштирилиб, жанговар дуранг натижа қайд этилди. Учрашув 0:0 ҳисобида яқунланди.

XIX жаҳон чемпионати «В» гуруҳи баҳсларини китбодашларимиз Жанубий Корея футболчилари Греция терма жамоасига қарши бошлади.

Ушбу учрашувда кўпчилик грецияликларни яққол фаворит деб ҳисоблаганди. Бироқ жа-

наликлар Мессеи, Верон, Хайнсе, Массерано каби футбол юлдузларидан иборат бўлганлиги тўғрисида, нигерияликларга қарши учрашувда, очигини айтиш керак, ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмади. Аксинча, Марадона шоғирдлари орқича куч сарфламаган ҳолда рақибнинг хатти-ҳаракатларидан хулоса чиқариб, майдон-



тилган голга америкаликлар Демсоннинг аниқ зарбаси билан жавоб бериши ва ўйинда 1:1 ҳисобидаги мурося йўли танланди. «С» гуруҳидаги Жазаир — Словения терма жамоалари баҳсида европалар 79-дақиқада Корен томонидан киритилган ягона гол эвазига уч очкони кўлга киритди. «Д» гуруҳида қуйидаги натижалар қайд этилди: Сербия — Гана — 0:1, Германия — Австралия — 4:0.

Кеча «Е» гуруҳи беллашувларини жаҳон чемпионлигига даъвогар ҳисобланган Голландия терма жамоаси даниликларга қарши уюштирган учрашув билан бошлади. «Учар голландлар»нинг тўлиқ устунлигида кечган баҳс 2:0 ҳисобида яқунланди ва Голландия муҳим очколарни кўлга киритди. Ушбу гуруҳдаги Япония-Камерун учрашувида қитъадошларимизга омад кулиб боқди. 39-дақиқада Хонда томонидан дарвозага аниқ йўналган зарба кунчиқар юрт вакилларига 1:0 ҳисобидаги галабани тақдим этди. Шунингдек, «F» гуруҳида қатнашаётган Италия — Парагвай терма жамоалари баҳси 1:1 ҳисобидаги дуранг билан яқунланди.

«С» гуруҳи беллашувлари Англия — АҚШ терма жамоалари баҳси билан бошланди. Жон Терри, Руни, Жерард ва бошқа кўплаб футбол юлдузларидан таркиб топган Фабио Капелла бош мураббийлигидаги Англия терма жамоаси америкаликларни осон тарзда енгизишга ҳеч ким шубҳа қилмаган эди. Аммо «майдон теҳси, тўп юмалоқ» деган нақл тўғри эканлиги ушбу учрашувда яна исботланди. Очиги, тенг курашлар остида кечган ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди. 4-дақиқада англиялик Жерард томонидан кири-

БЕЛЛАШУВЛАР
ҚИЗГИН ПАЛЛАГА
КИРДИ

ҳон чемпионатида кучсиз терма жамоалар келмайди, деган баҳорат яна ўзини оқлади. 90 дақиқа давом этган баҳсда китъадошларимиз — жанубий кореяликлар тўп билан муомала қилишда рақиб дарвозасига ҳужум уюштириб, яққол устун келишди. Натижада 7:28-дақиқаларда Ли Жон Су ва Парн Ли Жулар жамоадолари бошлаган ҳужумларни самарали яқунлаб, греклар дарвозасини бир мартадан аниқ нишонга ола билди ва жаҳон чемпионатида 2:0 ҳисобида галаба қозонган биринчи терма жамоага айланишди.

«В» гуруҳининг биринчи тури Аргентина — Нигерия терма жамоалари баҳси билан яқунланди. Афсонавий футбол юлдузи Диего Марадона бош мураббийлигида жаҳон чемпионатида ҳаракат қилган аргенти-

да эркин тўп уришди. 4-дақиқада Габриэл Хайнсе Верон томонидан узятилган тўпни нигерияликлар дарвозасига қойилмақом тарзда жойлашди ва жамоанинг учрашувда 1:0 ҳисобида муҳим галабага эришишни таъминлади.

«С» гуруҳи беллашувлари Англия — АҚШ терма жамоалари баҳси билан бошланди. Жон Терри, Руни, Жерард ва бошқа кўплаб футбол юлдузларидан таркиб топган Фабио Капелла бош мураббийлигидаги Англия терма жамоаси америкаликларни осон тарзда енгизишга ҳеч ким шубҳа қилмаган эди. Аммо «майдон теҳси, тўп юмалоқ» деган нақл тўғри эканлиги ушбу учрашувда яна исботланди. Очиги, тенг курашлар остида кечган ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди. 4-дақиқада англиялик Жерард томонидан кири-

Ақбар Йўлдошев



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ
Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
5617 нусxada босилади.
Қорёқ бетлари А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
123 5